

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
КУЗ КАСАЛЛИКЛАР КАФЕДРАСИ

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Куз касалликлар кафедраси
мудир т.ф.д. А.Ф. Икромов
Потокол № _____ 200__ й

«ТАСДИКЛАЙМАН»

ММХнинг жаррохлик булими
раиси, проф Ф.Н. Нишонов
Потокол № _____ 200__ й

Даволаш факультети 5- курс талабалари учун
Куз касалликлар фани буйича

Амалий машгулотлар учун методик кулланма

Мавзу:

КУРУВ АНАЛИЗАТОРНИНГ ЁШГА ОИД
АНАТОМО-ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Андижон

КУРС КИСМИ: КУЗ КАСАЛЛИКЛАРИ.

КУРС БУЛИМИ: Курув органини клиник анатомияси ва физиологияси.

МАШГУЛОТ МАВЗУСИ: Курув анализаторнинг ёшга оид антамо-физиологик хусусиятлари

I. МАШГУЛОТ МАВЗУСИНИ

АСОСЛАШ:

Курув анализатори жуфт орган ҳисобланиб қуйидаги касалликларни тафовут этилади:

1. Периферик қисм: Куз олмаси ва унинг ёрдамчи булаклари:
2. Марказий қисм: Курув йули ва курув маркази.

Талаба курув органини юқорида курсатилган кетма-кетликда утганиши ва узлаштирилиши лозим.

Талаба ушбу мавзуни, яъни курув хусусиятларини урганиб чиқмасдан, унда кечадиган касалликларни тушуниб етиш ва узлаштириш мумкин эмаслигини билиб қуйиш шарт. Шу нуқтаи назардан олиб, қаралганда талаба куз олмасини ҳар бир қисмини, керак бўлганда ҳар бир туқимасини анатомиясини ва физиологиясини алоҳида-алоҳида урганиб чиқиш керак бўлади.

Офтальмология фанини урганишда биринчи мавзу ҳисобланганлиги сабабли Ушбу мавзу нинг, Ушбу фаннинг муҳумлиги, қолаверса аҳамиятлигини ҳақида чуқур тушунча ҳосил бўлиши керак.

Бошқа мутахассисликлардаги шифокорнинг беморларини офтальмолог маслаҳатларига юборишлари сабабини қуйидагича тушунтирилади:

1. Курув органини топографик жойлашиш урни.
2. Бутун бир инсон организми учун белгиланган 12 жуфт парасимпатик нерв системасининг 5 жуфти факат курув анализатори учун ишлаши.

3. Куз олмаси тубига назар соладиган булсак, тур парда тукумаси ва ундаги кон томирларни тирик организмда табиий холда куриш ҳамда кузатиш мумкинлиги.

Куз олмаси ёрдами ёрдамчи булаклари Билан танишиб чикилади. Ковокларнинг каватли тузилиши ва функциялари Билан танишишиди, куз ёруги кенглиги унинг ёшига узгариш хусусиятлари тери тузалишини узига хослиги, тери ости ёғ каватининг деярли йуклиги, киприкли киргоклари узига хос тузилиши, юкори ковокни кутарувчи мускулни бирикиш урни, энervationияси: тогайли кават Билан ҳам Тула танишиб чикиш ундан жойлашган безларга этибор беришлик патологик холатлардан логофталъм, птоз, чакалокларда пастки ковокни «спастик» ичкарига караб кайриль колиши, кексаларда: «анатония» хисобига ташкарига караб кайрилиб колишига, ҳамда ушбулар туфайли асоратлар кузатилиши мумкинлигини билиб куйиши зарур булади.

Конъюнктива тузилиши ва унинг функциалари Билан танишиш лозим. Унинг тарзал склерал ва утувчи тахламини характерланади. Куз ёши ишлаб чиқарувчи ва куз ёшини олиб кетувчи апаратлари Билан танишишдан илгари, куз ёш найчалари, куз ёш копчаси ва куз ёши бурун найчалари хакида тушунча керак. Ушбудан ташкари аномалик ривожланишидан куз ёш нуктаси атрезияси, дислонацияси, куз копчаси берк усмалари бушлиги, куз ёш бурун найчасини ривожланмай колганлиги шулар жумласидан.

Ушбуларни аниклаш максадида ёш йулларини ювиб куриш керак. Куз косаси анатомияси ва топографик анатомияси билиш зарур. Куз косаси бош мия ва бурун ёрдамчи булаклари балн юпка суякли девор оркли богланганлигини таъкидлаш зарур. Кайсики яллигланишжараёнлари бир булганда иккинчисига таркалиши мумкин.

Куз косаси юкори ва пастки ёриги, курув туйнуқларидан утувчи нервлар курув нерви, уч шохли нерв шохлари, харакатлантирувчи нерв,галтаксимон нерв, олиб кетувчи нервлар кон томир /куз артерияси, устки ва пастки куз косаси веналари/ хакида ҳам билиб куйиш зарур. Курув йули унинг топографик

анатомияси (куз олмаси кисми, куз косаси кисми: найча кисми, интракраиал кисми, хиазма, курув тракти, курув радиацияси курув анализаторининг пустлок ва пустлок ости марказлари) характерлаш лозим.

Тур парда курув йулининг хар бир булимига нисбатан катъий проекцияга эга, шу сабабли курув йулининг аник бир булимини зарарланиши, Ушбу кисмнинг таълукли булган переферик куриш (скотома, гаморним ва гетеронинг гемиопопсин) ни бузулиши характерларидир. Асаб касалликларида курув майдонинг кичрайиш характерига караб «топик» ташхис куйида айтиб утилган булимни зарурлигини талаба тушуниб олиши керак. Бошга (купинча пешона суягига) каттик зарба текканда курув найчаси деворини бутунлигини бузилишига хисобига куз курмай колади. Кайсики кон куюлиши хисобига.

Курув артерияси ва унинг тармоклари жойлашиши хакида тушунча булиш керак.

Куз косаси юкори ёруги синдроми тушунчасини мукаммал урганиб чикиш учун Ушбу ёритгич утувчи нервлар харакатлантирувчи нерв, олиб кетувчи нерв, галтаксимон нерв, куз нервлари иннервацияси бузулиши сабабли хамда Ушбу ёругдан утувчи куз косаси юкори венаси димланиши туфайли кузатиладиган узгариш хакида тасаввурга эга булиш керак. Куз олмасини харакатга келтирувчи мускуллар /4 та тугри ва 2 кийшик топографиясини харакатланиш даражасига этибор беринг. Куз олмалари конвергенцияси ва унинг даражасини куриб урганиб чикиш ахамиятли.

Цилляр тугун топографияси ва тузилиши Билан танишиш ушбунинг куз олмаси иннервациядаги рули Билан танишиш лозим. Талаба этиборига, куз олмасига ташрих килиш Ушбу тугунча атрофига новокаинли блокада килиш йули Билан амалга оширилади. Куз олмаси – курув анализаторининг переферик кисми, ушбунинг тузалишини хар бир медицина ходими билиши шарт. Куз олмасининг урганишни улчамларини, билиб олишдан бошлаш керак. Яъни сагитал укининг узунлиги чакалокларда -16,0 мм катталарда -24,0 мм ташкил килади. Вазни чакалокларда - 3,0 гр. Катталарда - 8 гр. Ушбуларни ёшга нисбатан меъёридан огишни анамалик ривожланиш ёки патологик холатни

мавжудлигидан далолат беради. Расм ва мулякларда мухокама килишда куз олмаси учта каватини алохида характерлаб берилади. Колаверса куз олмаси ички ядролари тугрисида ҳам тушунчага эга булиш керак. Куз олмасини амалиётда куриш учун ёнидан ёритиш утувчи ёруглик, тескари ват угри автомоскопия ва биомикраскопия усулларда фойдаланилади.

Склера куз олмасининг ташки куватини 5/6 кисмини ташкил килади. Чаколокларда 6-7 ёшга кадар катталарникига нисбатан юпка булгани сабабли томирли кават пигменти пластинкаси шуласи тушиб, кукимтир тус бериб туради.

Склера тургорлик хусусиятига эга булиб, химоя ва куз олмасини харакатга келтирувчи мускуллар бирикадиган уриндик вазифаларини бажаради.

Шох парда куз олмасининг 1/6 кисмини ташкил килади.

Шох парада улчамлари: чакалокларда - Вертикал =8,0 мм, Горизантал=9 мм, катталарда -В =10,0 мм, Г=11,0 мм. калинлиги чакалокларда -10 мм, катталарда -0,6 мм.

Шох парада куйидаги хусусиятлар мавжуд шаффоф, силлик ёруглик нуруни утказади ва синдради, сферик, кон томирсиз, юкори сезувчанликка эга. Химоя ёруглик нуруни синдирувчан вазифаларини бажаради. Нур синдириш курсаткичи 40 Д.

Талаба шох парданинг гистологик тузилиши ва физиологиясидан ҳам хабар топиши лозим.

Шох парда куз ёши олдинги булма суюклиги хамда шох парда атрофии капилляр кон томирларидан озикланади.

Кон томир трактини урганиб чикканда уни учта булимига характеристика берилади: рангдор парда, киприксимон тана ва хусусий кон томирли каватлар. Рангдор парда доира шаклдаги пластинка куришга эга булиб марказидан тешик мавжуд. Орка юзаки пигментли эпигелий билан копланган. Пигмент микдорига караб рангдор парда ранги белгилнади. Рангдор пардада корачикни торайтирувчи ва кенгайтирувчи мушаклар мавжуд. Корачикни торайтирувчи

мушак ҳаракатга келтирувчи нерв Билан кенгайтирувчи мушак симпатик таналар Билан иннервациялашган.

Корачикни торайтирувчи ва кенгайтирувчи препаратларни билиш лозим. Кон томирли каватнинг навбатдаги булагии киприксимон тана. Киприксимон тана ҳам таналари турли йуналишга эга булган мушаклар, кон томир, нерв охирларидан иборат булиб, орка юзаси пигменти эпителий Билан копланган. Шуни ёдда тутиш лозимки, рангдор парда ва киприксимон тана: оркани узун ҳамда оркани киприксимон артериялар ёрдамида озикланади. Киприксимон тана акомация жараёнида катнашади, ҳамда куз ички суюклигини ишлаб чикаради. Шу сабабли куз олмасининг узок вақт гипотония ҳолатида тузилиши, киприксимон тананинг оғир яллигланишдан далолат беради. Кон томир трактининг учунчи булагии хусусий томирли кават-хориоидия ҳам да кон томирли кават асосан кон томирлардан ташкил топган булиб ташки тарафдан пигменти пластинка билан копланган. Куриш функциясини амалга оширишда Ушбу пигментларни аҳамияти бор.

Хориоидея хусусиятлари: охирги артериялар ҳисобланиб кон томирлада кон оқиш тезлиги секиндр, колаверса сезувчи иннервация йук. Шу сабабли яллигланиш жараёнлари оғиркисиз кечади. Талаба юкорида суст юритилган маълумотларни тушуниб, эсда саклаш лозим.

Тур парда тузулишини куриб чиқиш давомида унинг 3 та нейрондан иборатлигини характерлаш лозим /фоторецепторлар, бинокуляр ва ганглиоз хужайралар/, тур парданинг курадиган ҳамда курмайдиган қисмларинг ёдда саклаш, қайси қисмда бирикган. Сарик ва кур доғларни қаерда жойлашганлигини тузилиши, куришни амалга оширишда уларнинг аҳамияти тугрисида тушунча. Офталмоскопия қилиш йули Билан курилганда, тур пардани ёки куз тубини мейёридаги манзарасини тушунтириб бериш. Тур пардадагини ёруғлик таъсирида кузатиладиган фотохимик жараёни кечиши; куриш жараёнини амалга оширадиган замонавий куриш ҳақида маълумотлар билиш. Қайси белгиларга қараб тур парда патологияси мавжудлиги тугрисида фикр юргизиш мумкин.

Олдинги ва орканги булмаларни хосил булишида куз олмасининг кайси кисмлари иштрок этади. куз ички йулини характерлаб бериш. Агарда маълум бир сабабларда кура олди булма бурчаги ёки куз олмаси корачиги тусилиб колса /блок/ нимани кузатишимиз мумкин?

Куз олмаси ички суюклиги каерда пайдо булишини, хамда унинг таркиби ва ахамияти хакида тушунча булишлиги, ахамятлидир. Офталмотонусни бир хилда ушлаб туришликда куз олмаси суюклиги таркибини бузилиши, узгариши кузатилади. Шишасимон тана структураси, химик таркиби, вазифалари, хамда кузатилиши мумкин булган паталогик жараёнлар тугрисида тушунча беришлик лозим.

II. МАКСАД

Талаба машгулот давомида курув анализаторининг кисмларига булинган холда яъни куз олмаси ва унинг ёрдамчи булаклари; курув йули ва курув маркази тарзида анатомияси ва физиологиясини мукаммал урганиб чиқиши лозим. Юкорида курсатилганлардан ташкари курув анализаторларида баъзида учраб турадиган анамалик ривожланишларини хар куриб узига хос хусусиятларини урганб чиқишлари керак.

Талаба курув органиниг анатомияси ва физиологиясини урганиб чиқишда укув кулланмаларидан, укув услубий кулланмаларидан, маърузаларидан назарий жихатидан фойдалаланилса, амалиёт учун слайдларда, жадваллардан, муляклардан, расмлардан фойдаланилади. Калаверса амалиётда яъни беморларда курув органиниг куриш мумкин булган кисмларини куздан кечириш билан куздан бир каторда ушбуни амалга оширишда керак буладиган амалий куникмалардан: ёнидан ёруглик тушуриш йулли билан куриш, ётувчи ёругликда куриш тескари ва тугри офталмоскопия килиш, биомикроскоп ёрдамида курувлардан хабар топишлари лозим. Курув анализаторининг анатомияси ва топографияси билан танишиш мобайнинда унинг ёнига караб узгариш хусусиятларига этибор бериш керак булади. Чунки меъёрида ушбуга

этибор берилмаси патологик ҳолат ва унинг даражасида фикр юритиш мумкин эмас.

III. ТАЛАБА АМАЛДА БАЖАРИШ КЕРАК

Талаба мавзуга оид булган плакатларда ва муляжда курув органининг тузилишини курсата билиши керак

IV. ТАРБИЯ МАКСАДИ.

Талаба Ушбу айтилганларни маъносини, яъни офтальмолог маслаҳатини муҳумлигини тушунтириб етиши лозим.

Талаба яъна шуни тушуниб олиши лозимки, шифокор юқорида айтилганларига асосланган ҳолда организмнинг бошқа орган ва қисмларида кечадиган касалликларининг бор, йуклигини, рифожланишини, қайси босқичда турганини, асоратлари ва келажақдаги натижаси ҳақида маълум бир фикрга эга бўлиши мумкин.

V. МАШГУЛОТ МАВЗУСИНИНГ ИНТЕГРАТИВ АЛОКАСИ

Манбаи	Машгулот мавзуси	Чиқиш
Талабалар ушбу машгулотда қўл олмаси ва ерданчи аппаратлари анатомиясини ва физиологик хусусиятларини бўлишлари керак.	Курув анатомо-физиологик хусусиятлари.	- Офтальмология. - Бакалавр. - Умумий амалиёт шифокори. - Магистр.

VI. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УТИШ РЕЖАСИ ВА УНИНГ ТАРИҚИБИЙ ҚИСМИ

№	Машгулот босқичлари	Вақти	Утиш жойи	Уқув қуроллари
1	Ташкилий тадбирлар /йуклов, машгулот максоди ва	30 мин.	Уқув хона, беморларни қуриш хонаси	Жадвал, плакатлар, слайдлар.

	вазифаларини белгилаш, беморларни текширишда керак буладиган текшириш усуллари, ҳамда амалий куникмаларни амалда курсатиш ва тушунтириш, куз касалликлари буйича касаллик тарихини тулдириш/.			
2	Талаба билимларини бошлангич даражасини саволлар ёрдамида аниклаш.	20 мин.	Укув хона, беморларни куриш хонаси	Жадвал, плакатлар, слайдлар
3	Талабалар амалий мустакил иши /текшириш усуллари ҳамда Амалий куникмаларни мустакил равишда куллаш слайдлар, жадваллар ва расмлардан фойдаланиш/.	1 соат 45 мин.	Укув хона, беморларни куриш хонаси	Жадвал, плакатлар, слайдлар
4	Узлаштиришнинг якуний назорат даражаси / тест саволлари, вазиятли масала ва укув муаммолари ечиши Билан олиб борилади/.	35 мин.	Укув хона, беморларни куриш хонаси	Жадвал, плакатлар, слайдлар
5	Якуний боскич /муаллимнинг тушунилмаган саволларга жавоб ва хулосаси. Ушбу мавзусининг узлаштириш даражасини баҳолаш/.	20 мин.	Укув хона, беморларни куриш хонаси	Жадвал, плакатлар, слайдлар

VII. МУСТАКИЛ ТАЙЕРГАРЛИК УЧУН САВОЛЛАР

1. Курув анализатори кайси ва неча кисмлардан иборат?
2. Куз косасини ва унинг хар бир деворини ташкил килувчи суяклар?
3. Куз косаси тешик ва ёриклари, ҳамда улардан утувчи хосилалар?
4. Куз олмасини ҳаракатга келтирувчи мушакларни характерланг?
5. Ковок ва унинг каватлари?
6. Куз ёши беи ва куз ёш йуллари хакида тушунча Беринг?\
7. куз олмаси хусусиятлари ва вазифалари?
8. Куз олмаси каватлари хакида умумий тушунча?
9. Шох парда гистологик тузилиши?
10. Шох парда хусусиятлари?
11. Шох парда нур синдириш курсаткичини ёшга караб узгариши?
12. Шох парданинг ёшга нисбатан вертикал ва горизонтал диаметри?
13. Шох парда вазифалари ва озукланишини йуллари?
14. Склеранинг анатомик тузилиши?
15. Шох парда ва склера иннервацияси?
16. Склера вазифалари ва хусусиятлари?
17. Кон томир кавати тугрисида умумийтушунча?
18. рангдор парда анатомик тузилиши?
19. Рангдор пардани кон Билан таъминланиши?
20. Рангдор парда иннервацияси?
21. Рангдор парда хусусиятлари ва вазифалари?
22. Киприксимон тананинг анатомик тузилиши?
23. Киприксимон тана кон Билан таъминланиши, иннервацияси?
24. Киприксимон тананинг хусусиятлари ва вазифалари?
25. Хусусий томирли кават хусусиятлари ва вазифалари?
26. Хусусий томирли кават анатомик тузилиши?
27. Хусусий томирли кават кон Билан таъминланиши, иннервацияси?
28. Тур парданинг гистологиктузилиши?
29. Тур парда курадиган ва курмайдиган кисмлари «у неча жойда бирикади?»
30. Сарик ва кур доглар хакида тушунча?
31. Тур парданинг кон Билан таъминланиши, иннервацияси?
32. Тур парда хусусиятлари ва вазифалари?
33. Куз олмас и ички ядролари?
34. Куз гавхари тузилиши?
35. Куз гавхари хусусиятлари ва вазифалари?

VIII. ДАСТЛАБКИ НАЗОРАТ

Тлабалар нормал анатомия ва физиология дарсларида курув органнинг тузилиши ва функциялари хакида билимларини назорат килиши керак.

IX.ДОИМИЙ НАЗОРАТ

Мустакил тайергарлик саволлари асосида олиб борилади.

X.ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

1. Бемор 65 ешда кузини паст куришига шикоят килиб келди.

Объектив: OU кузи тинч, шох парда тиник, олди камера урта чукурликда, корачик доирасимон, еругликка сезувчан, кулранг рангда, куз туби куринмайди.

Куз олмаси тузилиши нормадами?

2. 2 ойлик болани ота-онаси окулистга олиб келди.

Объектив: OD кузи тинч, шох прада тиник, олди камера урта чукурликда, рангдор пардада иккита корачик, куз туби узгаришсиз

Куз олмаси тузилиши нормадами?

3. 24 ешли бамор окулистга узоқдан куриши пастлигига шикоят килган.

Объектив: OU куз олмаси узгаришсиз.

Эхобиометрияда куз олмаси олдинги, орка уки 28 мм.

Куз олмаси тузилиши нормадами?

4. Бемор куришини пастлигига шикоят килиб келди. Анамнездан: кузи жарохат олган.

Объектив: OD юкори ковок пастга тушган, ковок тиркишлари берк, куз олмаси ташкари харакати чекланган.

Куз олмаси тузилиши нормадами?

5. 1 ешли болани ота-онаси окулистга олиб келган.

Объектив: OU шох парада улчами 13 x 12 мм, олди камера чукурлиги 6 мм, корачик диаметри 5 мм, кукимтир рангда, куз туби куринмайди.

Куз олмаси тузилиши нормадами?

XI. ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛЛАРИ

1. Мугуз парда иннервацияси.

- А) Парасимпатик нерв
- Б) симпатик нерв
- В) уч шохли нервни симпатик иннервацияси
- Г) сезувчи нерв
- Д) хама жавоб тугри

2. Киприксимон тана иннервацияси.

- А) симпатик нерв
- Б) уч шохли нерв
- В) парасимпатик нерв
- Г) сезувчи нерв
- Д) харакатлантирувчи нерв

3. Куз ички суюклиги каерда ишлаб чиқарилди?

- А) еш бези
- Б) шишасимон тана
- В) Краузе бези
- Г) киприксимон тана
- Д) олдинги камера

4. Гавхар ядросини шаклланиши аниқланг.

- А) 10-15 еш
- Б) 50-55 еш
- В) 1 еш
- Г) 30 еш
- Д) 35-40 еш

5. Мугуз парданинг энг асосий вазифаси нима ҳисобланади?

- А) ялтироклиги
- Б) тиниклиги
- В) сезувчанлиги
- Г) нурни утказиш хусусияти
- Д) сфериклиги

6. Мугуз парда вазифаси.

- А) нур синдириш, химоя вазифаси
- Б) Куз ички суюклигини ишлаб чиқаради
- В) олдинги ва орқа камерани ажратиб туриш
- Г) нурни қабул қилиш ва фокуслаш
- Д) куз олмасини қон билан таъминлаш

7. Мугуз парда озикланиши.

- А) орқа камера суюклиги билан
- Б) киприксимон артерия билан
- В) орқа узун киприксиомн артерия билан
- Г) орқа қиска киприксиомн артерия билан
- Д) олдинги камера суюклиги билан, еш суюклиги билан, перилимбал қон томирлар билан.

8. Колбасимон хужайралар каерда жойлашган?

- А) рангдор пардада
- Б) хориоидеяда
- В) шишасимон танада
- Г) сарик дог сохасида
- Д) корачикда

9. Курув анализаторларинг булимлари:

- А) тур парда
- Б) курув нерви
- В) тур парда, курув нерви, шишасимон тана
- Г) тур парда, курув нерви, пустлок ости кисми.
- Д) хамма жавоб тугри

10. камера суюклиги каерда хосил булади?

- А) рангдор пардада
- Б) гавхарда
- В) куз томирларида
- Г) шишасимон танада
- Д) цилиар танада

XII. ЖАВОБЛАР

1. В 2. А 3. Г 4. А 5. Г. 6. А 7. Д 8. Г 9. Г 10. Д

XIII. АМАЛИЙ КУНИКМАЛАР РУЙХАТИ

1. Шох пардани жойлашашини аниклаш.
2. Ковокларни кайтариб куриш.
3. Шох парда сезувчанлигини аниклаш.
4. Олди камерани чукурлигини аниклаш.
5. Марказий куришни аниклаш.
6. Периферик куришни аниклаш.
7. Шох пардани диаметрини аниклаш.
8. Бинокуляр куришни аниклаш.

XIV. МУСТАКИЛ ИШГА АЖРАТИЛГАН ВАКТ

- | | |
|---|----------|
| 1. Куз олмасини анатомиясини муляжда урганиш. | - 30 мин |
| 2. Беморларни курация килиш. | - 25 мин |
| 3. Бир- бирида куз олмасини текшириш | - 30 мин |

XV. МАШГУЛОТГА КЕРАКЛИ НАСРСАЛАР

Машгулотга оид булган плакатлар, жадваллар, муляж ва слайдлар.